

PAPER

ЎЗБЕКИСТОН – АФҒОНИСТОН ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ: МИЛЛИЙ МАТБУОТ НИГОҲИДА

Ҳакимов Шохижаҳон Шавкатович^{1, *}

¹ Тошкент амалий фанлар университети тадқиқотчиси, Ўзбекистон

* 14588745@gmail.com

Abstract

Ушбу мақолада Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири — Ислом Республикаси Афғонистон билан муносабатлар таҳлил қилинган. Афғонистонда сиёсий барқарорлик ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга экани асослаб берилган. Мақолада сўнгги йиллардаги дипломатик ташаббуслар, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик лойиҳалари, шунингдек, чегара хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар кўриб чиқилган. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан илгари суриб келаётган инклюзив сиёсий мулоқот, транспорт-коммуникация лойиҳалари ҳамда таълим соҳасидаги қўшма ташаббусларнинг мазмуни очиқ берилган. Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, Янги Ўзбекистон қўшни давлатларга нисбатан прагматик, очиқ ва ҳамкорликка йўналтирилган ташқи сиёсатни амалга оширмоқда.

Key words: Ўзбекистон, Афғонистон, ҳамкорлик, миллий матбуот, ташқи сиёсат, ахборот сиёсати, барқарорлик, минтақавий хавфсизлик.

Кириш

Ўзбекистон ва Афғонистон давлатларининг тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги сиёсати натижасида сўнгги йилларда савдо, энергетика, транспорт, коммуникация ва бошқа соҳаларда кенг кўламли ҳамкорлик

йўлга қўйилди. Бу каби ёндашув Ўзбекистоннинг минтақадаги миллий манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, мамлакатнинг ташқи сиёсий устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги ташқи сиёсати сўнгги йилларда қабул қилинган қатор расмий ҳуж-

Compiled on: November 1, 2025.

Copyright: ©2025 by the authors. Submitted to *Advances in Science and Humanities* for possible open access publication under the terms and conditions of the [Creative Commons Attribution \(CC BY\) 4.0 license](#).

жатларда ўз ифодасини топган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасининг мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Қонунлар, шунингдек, Президентнинг “Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони шулар жумласидандир. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистоннинг Афғонистон билан дўстона ва прагматик ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган изчил сиёсатини ифодалайди [1,20]. Бу борада ОАВ да ҳам турли чиқишлар олиб борилмоқда. Бу демократив жамиятнинг, матбуот ва сўз эркинлигининг яққол намунасидир. Жумладан, “Халқ сўзи” газетасида Ахмад Холид Элмий билан ўтказилган суҳбат Янги Ўзбекистоннинг Афғонистон билан янги босқичдаги дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини ёритиб берувчи муҳим дипломатик-сиёсий манба сифатида катта аҳамиятга эга [2]. Суҳбат — Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилгани, уларнинг минтақавий барқарорлик ва тараққиётдаги ўрни ҳақидадир. Унда ташқи сиёсат, иқтисодий, гуманитар, маданий алоқалар ва минтақавий ҳамкорлик ҳақида сўз боради. Элчи Афғонистон ва Ўзбекистон савдо айланмаси 2018-йилда 600 млн доллардан ошганини, аммо кейин пасайиш кузатилганини қайд этади. Шу билан бирга, икки давлат савдони 1,5 млрд долларгача ошириш салоҳиятига эгаллигини таъкидлайди [2]. Суҳбатда Афғонистондаги ўзбеклар масаласи, таълим ва маданий ҳамкорлик алоҳида ўрин эгаллайди. Яъни, афғон ёшлари учун Термиз университети қошида таълим дастурлари жорий қилинганлиги, аёллар ва болаларни қўллаб-қувватловчи гуманитар дастурлар амалга оширилганлигига урғу берилади. Шу билан бирга, Қобул университетида ўзбек тили маркази ташкил этилаётгани ҳам айтилган. Бу икки халқ ўртасидаги маъданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айниқса, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги

модераторлик ва воситачилик ролини янада кучайтирган бир ҳолат Элчи RECCA VIII конференциясининг Тошкентда ўтказилишидир. Бу каби ҳаракатлар билан Ўзбекистон Афғонистондаги тинчлик, иқтисодий барқарорлик ва таълим соҳаси ривожига ҳисса қўшиб, мамлакатни минтақага интеграция қилиш жараёнида етакчи давлатлардан бири эканлиги намоён бўлмоқда. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Афғонистон муаммосини ҳал этмасдан туриб, тинч ва гуллаб яшнаётган Марказий Осиё ҳақида гапириш мумкин эмас” [3]. Шу мақсадни кўзлаган ҳолда, Ўзбекистон тарихида биринчи марта республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2017-йил декабрь ойида Олий Мажлисга мурожаат қилди ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши яқин кўшнилари билан конструктив мулоқот ва кучли ташқи сиёсат олиб бориш эканлигини таъкидлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ривожланишининг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши очиқ, конструктив ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат олиб боришни, шу жумладан, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик камарини яратишни кўзда тутди. Бу Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ҳамкорлик мамлакатимиз учун жуда муҳим эканини яна бир бор кўрсатади. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақавий хавфсизликнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш, шу жумладан, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнларига фаол қўмаклашишни устувор вазифалардан бири деб ҳисоблайди. Шунингдек, миллий қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг узоқ муддатли манфаатларидан келиб чиққан ҳолда манфаатдор давлатлар билан стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш ва сақлаб туриши ҳамда давлатлараро ўзаро манфаатли, мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиши мумкинлиги белгиланган [2]. Бугунги кунда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга қаратилган Ўзбекистон ташқи сиёсатини амалга оширишда Америка Қўшма Штатлари билан халқаро ҳамкорлик стратегик шериклик асосида ривожланиб келмоқда.

Чунончи, 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратеги-ясида хорижий давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш юза-сидан ҳамкорликни кенгайтириш, АҚШ билан “Стратегик ҳамкорлик мулоқоти” ва “C5+1” форматлари доирасида музокараларни изчил давом эттириш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган[3]. АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси З.Бжезинский афғон инқи-розини ҳал этишда Ўзбекистон асосий роль ўйнаши мумкинлигини таъкидлаб, аксилтер-рор ҳарбий кампанияни қўллаб-қувватлашда истиқболли ҳамкор сифатида Ўзбекистон им-кониятларини юқори баҳолади. Жумладан, З.Бжезинский 2003 йил ноябрида Тошкентга ташрифи давомида бу борада қуйидаги фикр-ларни билдирди: “...стратегик нуқтаи назардан Ўзбекистон – ўз тарихи, миллий қадриятлари ҳамда тўла асосли минтақавий хавфсизлик концепциясига эга Марказий Осиёнинг етакчи ва энг муҳим мамлакати. Шунинг учун ҳам Қўшма Штатлар Ўзбекистон билан алоқаларни юксак қадрлайди. Минтақада хавфсизликни таъминлашда халқаро террорчи ва экстре-мистик гуруҳларга қарши кураш масалаларида томонларнинг қарашлари ҳамоҳанг” [4].

Шунингдек, З.Бжезинский журналистларга берган интервьюсида АҚШнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги манфаатлари бешта тамой-илга асосланишини таъкидлади:

1. Ўзбекистон каби давлатларнинг келажакда 11 сентябрга ўхшаш воқеаларнинг олдини олиш ва бартараф этишда қўшадиган ҳиссасини ино-батга олиб, Марказий Осиёнинг барқарор ри-вожланиши ва мустақил мавжуд бўлиши АҚШ миллий манфаатларининг марказида туради.

2. Дунёвийлик, миллий анъаналар ва ис-ломий эътиқод ўртасидаги мувозанат жуда муҳим. Ушбу йўналишлардан ҳеч бирига қў-проқ оғишга йўл қўймаслик зарур.

3. АҚШ ҳукумати Марказий Осиёнинг дунё бозорига – жаҳон иқтисодиёти ва бозори эса минтақага тўлиқ очиқ бўлишини хоҳлайди.

4. Минтақа ягона давлатнинг ҳукмронлиги-га бўйсунмаслиги ёки икки мамлакат ўртасида-

ги ҳалокатли рақобат майдонига айланмаслиги лозим. Акс ҳолда, нафақат минтақа бу воқеалар қурбони бўлади, балки бутун дунё учун хавфли бўлган жараёнларнинг ривожланиши учун ша-роит яратилишига ёрдам бериши мумкин.

5. Минтақа мамлакатларининг турли ради-кал ва экстремистик диний оқимлар таъсири-га тушиб қолиши, шундоқ ҳам нотинч бўлган дунёдаги сиёсий вазиятнинг кескинлашувига олиб келишини қабул қилиш мумкин эмас [5].

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда Ўз-бекистон ва Афғонистон ўртасидаги муноса-батлар мутлақо янги босқичга чиқди. Икки давлатни бирлаштириб турган асосий мақсад — минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқа-рор тараққиётни таъминлашдир. Ўзбекистон-нинг Афғонистон масаласига бўлган инсон-парвар ва прагматик ёндашуви нафақат ик-ки давлат алоқаларига, балки бутун Марказий Осиёдаги тинчлик жараёнларига ижобий таъ-сир кўрсатмоқда. Бу сиёсат мамлакатнинг та-шқи сиёсий фаолияти концепцияси, мудрофаа доктринаси ва тараққиёт стратегиясида ҳам ўз аксини топгани билан аҳамиятлидир. Шу би-лан бирга, Термиз университети қошида афғон ёшлари учун яратилган таълим дастурлари, Ко-бул университетида ўзбек тили марказининг очилиши каби ташаббуслар икки халқни яна-да яқинлаштирмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар на-фақат таълим соҳасида, балки маданий ва маъ-навий ҳамкорликда ҳам янги саҳифани очмоқ-да.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамият, жумладан, Америка Қўшма Штатлари, БМТ, ШХТ ва бошқа тузилмалар билан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда фаол ҳамкорлик-ни йўлга қўйган. Бу эса Ўзбекистоннинг мин-тақадаги модераторлик ва воситачилик салоҳи-ятини янада оширмоқда.

Фойдаланилган Адабиётлар

1. Бўронов С. Афғонистонда тинчлик ва барқа-рорлик ўрнатиш жараёнларида Ўзбекистон геосиёсати. Монография. – Т.: “EFFECT-D”. 2021. 20–b.

2. “Ўзбекистон билан дўстлик ва ҳамкорлик Афғонистоннинг бошқа хорижий мамлакатлар билан муносабатлари орасида олий ва ёрқин даражадагиси бўлади” (“Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 19 август).
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва афғон муаммосини ҳал этиш масалалари юзасидан стратегик қараши қандай? — Абдулазиз Камиллов билан эксклюзив интервью . URL: <https://xs.uz/uzkr/post/prezident-shavkat-mirziyoevning-mintaqavij-khavfsizlikni-taminlash-va-afgon-muammosini-hal-etish-masalalari-yuzasidan-strategik-qarashi-qandaj-abdulaziz-kamilov-bilan-eksklyuziv-intervyu>
4. “Ўзбекистон Республикасининг мудофаа доктринаси тўғрисида”ги 2018 йил 9 январь, ЎРҚ-458-сонли қонуни. Электрон манба: - URL: <http://lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги Фармони Электрон манба: - URL: <http://lex.uz>.
6. Сотрудничество Узбекистана и США гарантирует стабильность Центральной Азии. (Из интервью Ш.Кудратходжаева с бывшим советником президента США по вопросам национальной безопасности З.Бжезинским) // “Независимая газета”. - Москва, 11 ноября 2003 года.
7. Интервью З.Бжезинского журналисту Мавляну Юлдашеву // Информационно-аналитический портал “Фергана news”. Электрон манба: - URL: <http://www.fergananews.com/articles/2301>